



Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2022 йил 25 май

Гурлан тумани

4-2202-2201/511-сонли иш

Шовот туманлараро иқтисодий суди раиси, судья Б.Ҳайитбоев раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Салаевнинг котиблигида, Гурлан туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши биносида очик сайёр суд мажлисида даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг Гурлан туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши манфаатини кўзлаб жавобгар [REDACTED] фермер хўжалигидан 8567274 сўм аъзолик пулини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни даъвогар вакили [REDACTED] (ишончномага асосан) иштирокида кўриб чиқиб қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси Гурлан туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши манфаатини кўзлаб, Шовот туманлараро иқтисодий судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар [REDACTED] фермер хўжалигидан 8567274 сўм аъзолик бадал пулларини ундиришни сўраган.

Палатаси ишни ўзининг вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили тушунтириш бериб, жавобгар томонидан 2021 йил пахта хосили учун шартномага кўра аъзолик бадали юзасидан топширилган хом ашёсининг 0,8 фоиз миқдоридда бадал пули тўланиши лозимлигини, даъво талаби юзасидан қарздорни ҳисоб рақамига тўлов талабномаси ҳам қўйилганлигини, бироқ жавобгар томонидан бадал пуллари тўланмаганлиги оқибатида қарздорлик вужудга келганлигини, даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Бугунги суд мажлисида жавобгар вакили иштирок этмади ва даъво ариза юзасидан фикр билдирмади. Жавобгарнинг суд мажлисининг ўтказилиш куни, жойи ва вақти ҳақида тегишли равишда хабардор қилинганлиги тўғрисида тегишли ҳужжатлар ишда мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128-моддасига кўра агар суд иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўзига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги ёки ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилинганлиги тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълумотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Бундай ҳолда, суд ишни Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 128,170-моддаларига асосан уларнинг вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, ишда иштирок этувчи тараф вакилининг тушунтиришларини тинглаб ҳамда ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъвосини тўлиқ қаноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогар Гурлан туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва жавобгар [REDACTED]



██████████ фермер хўжалиги ўртасида 2019 йил 11 февраль куни Кенгашга аъзолик шартномаси тузилган.

Ушбу шартномага кўра, даъвогар томонидан “Кенгаш”га аъзо бўлган фермер хўжалигини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий ташкилий шакли сифатида унинг ролини ошириш, иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби ишларни амалга оширишдан иборат.

Мазкур шартноманинг 1.1-бандига асосан кенгаш аъзолик бадали тўловини оширган ҳар бир фермер хўжалигини ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тегишли ташкилот ва инстанцияларда ҳимоя қилиши;

2.1-бандига асосан, кенгашга аъзолик мажбурийлиги;

- шартноманинг 2.2-бандига асосан, жавобгар ҳар йили пахта хом ашёси ҳамда ғалла харид нархининг 0.8% миқдорида аъзолик бадалини ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб бориш мажбуриятини олган.

Шунингдек, ушбу шартноманинг “аъзолик бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби” бўлимининг 3.1-бандига кўра, “Кенгаш”га аъзолик бадали “Фермер” томонидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сонли Қарори ҳамда “Фермер хўжаликларининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ўтказиш ва тасдикланадиган смета асосида харажат қилиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан пахта хом ашёси сотишнинг 0,8 фоиз миқдорида маблағлари ҳисобидан белгиланади.

Жавобгар томонидан “Гурлан глобал Текс” МЧЖнинг 23.12.2021 йилдаги маълумотномасига асосан 2021 йил пахта хосили бўйича аъзолик шартномаси юзасидан мажбурияти бажарилмаганлиги оқибатида 8567274 сўм қарздорлик юзага келган.

Низони ўзаро ҳал этиш чораси сифатида даъвогар томонидан юборилган талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Мазкур ҳолатда тарафларнинг мажбуриятлари аъзолик шартномасидан келиб чиққан.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сонли Қарорига асосан 2018 йилнинг 01 июль кунидан барча фермер ва деҳқон хўжаликларининг Кенгашга аъзолиги мажбурий, томорқа ер эгалари учун эса ихтиёрий ҳисобланиши белгиланган.

Ушбу Қарорнинг 4-бандига Кенгаш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Кенгашга аъзолик бадаллари қуйидагича белгиланган:

пахта хом ашёси ҳамда донли экинлар етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари учун пахта хом ашёси ҳамда доннинг харид нархидан 0,8 фоиз миқдорида;

бошқа фермер хўжаликлари учун улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган пул маблағларининг 0,5 фоизи миқдорида;

деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари учун Кенгашга аъзолик тўғрисидаги шартномада кўрсатилган миқдорда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 703-моддасига асосан, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки



муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олиши назарда тутилган бўлса, мазкур Кодекснинг 705-моддасига кўра, буюртмачи ўзига кўрсатилган хизматлар ҳақини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида кўрсатилган муддатларда ва тартибда тўлаши шартлиги баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2019 йил 15 январда 3121-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ўтказиб бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 6-бандига кўра, Фермер хўжаликлари томонидан ҳар йили пахта хом ашёси ҳамда донли экинлар етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари учун пахта хом ашёси ҳамда доннинг харид нархидан 0,8 фоиз миқдордаги, бошқа фермер хўжаликлари учун улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган пул маблағларининг 0,5 фоизи фермер хўжаликларининг махсус ҳисобварағига кириш қилинган маблағлар ҳисобидан аъзолик бадали суммаси мутаносиб равишда ойма-ой туман кенгашлари томонидан шартномага мувофиқ қўйиладиган тўлов талабномалари ва фермер хўжаликларининг тўлов топшириқномалари асосида туман кенгашларининг махсус ҳисобварағига ўтказиб берилади.

Суд, даъвогарнинг қарздорликни ундириш ҳақидаги даъво талаби ишга тақдим қилинган жавобгарнинг топширилган пахта хом ашёси миқдори, суммаси юзасидан “Гурлан глобал Текс” МЧЖнинг 23.12.2021 йилдаги маълумотномаси, даъвогарнинг қарздорлик юзасидан банк тўловнома ресстри, жавобгарга юборилган талабномалар ресстри ва бошқа хужжатлар билан тўлиқ тасдиқланиши сабабли тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Баён этилганларга асосан суд, даъвогарнинг даъвоси аризасини тўлиқ қаноатлантиришни, суд харажатларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси тартибида жавобгар ҳисобидан ундиришни лозим деб топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68, 118, 128, 176-179-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъво ариза тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] фермер хўжалигидан Гурлан туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши фойдасига 8567274 сўм аъзолик бадал пули ҳамда олдиндан тўланган 21.600 сўм почта харажати жами 8588874 сўм ундирилсин.

Жавобгар [REDACTED] фермер хўжалиги ҳисобидан Республика бюджетига 270.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддатда Хоразм вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят қилиши мумкин.

Судья

Б.Ҳайитбоев

